

ХАМРНИНГ ОКИБАТИ

15:38 / 28.04.2017 4823

Умар Ҳайёмнинг рубойиларини ҳамма ҳар хил талқин қилади. Тасаввуф аҳли у зотнинг буюк инсон бўлганлигини тасдиқловчи фикрларни билдирса, баъзи фосиқ кишилар наздида Умар Ҳайём "ишқ ва май куйчиси". Биз айна шу масала хусусида суҳбатлашмоқчимиз.

Айни пайтда юртимизда кайф берувчи ичимликлар ичиш салкам санъат даражасига кўтарилиб бормоқда. Майхўрлар даврасида тантанавор, сержило нутқлар, тостлар ижод қилинади, эҳтиросли шеърлар ўқилади. Умар Ҳайём рубойиларини ўз савияларига мослаб талқин қилишади. Ўзларича, сўз берилса, Умар Ҳайёмнинг "май ичсанг оқилу доно билан ич", деб бошланувчи рубойисидан бошлайдилар ва охирида "Эзма, расво бўлма, маъно билан ич!" мисрасини бузиб, "сиққанича ич" деб талаффуз қиладилар. Натижада, даврадаги ширакайфларнинг олқишига сазовор бўладилар. Ва албатта рубойи шарафига яна қадаҳлар кўтарилади. Қорақалпоғистон томонларда эса, тостнинг яна бир антиқа тури ҳақида ҳикоя қиладилар: Бу нутқлар Худога илтижо шаклидаги дуосифат сўзлардан иборат бўлиб, ҳар бир тилакни даврадош қўлда қадаҳ билан "омин" дея тасдиқлаб туришар экан, наъзу биллаҳи мин залик...

Нақадар мантиқсизлик, Худонинг каломида ҳаром эканлиги айтилган ва истеъмол қилиш қатъиян таъқиқланган бўлса-да, айнан ароқ ва майхўрлик даврасида Яратганнинг номи қайта-қайта тилга олинаверади. Қўлда қадаҳ кўтарганча, Худо хоҳласа, Аллоҳ насиб этсин, дея ҳеч тортинмасдан лутфлар қилинаверади. Заҳар заққум ичиб, яна бир-бирларига соғлиқ ҳам тилайдилар. Ажабо... Улар тинмасдан, оғизларини сўлакларигача оқизиб ўқиганлари – рубойилар муаллифи Умар Ҳайём ана шу мантиқсизлар ҳақида ўз шеърида ҳукм чиқариб бўлган:

Бил қўлда Қуръону, биттасида жом,
Гоҳида ҳалолмиз, гоҳида ҳаром.
Феруза гумбазли осмон остида
На чин мусулмонмиз, на кофир, тамом...

Ана шу, "на чин мусулмонмиз, на кофир, тамом" мисрасига исбот бўлгулик яна бир воқеа ҳақида сўзлайдилар: Бир йигит кафега кириб, официант қизга бир шиша ароқ буюрибди. Газагига кабоб келтиришини тайинлабди. Ароқни ичиб, кабобни еб бўлар бўлмас, "жуда муҳим" бир нарсани билиб қолиб, шовқин кўтарибди. Маълум бўлишича, официант келтирган кабоб

чўчқа гўшtidан экан. Мижоз ўзининг мусулмон эканлигини пеш қилар ва ҳаром гўшtidан тайёрланган кабоб бергани учун официантни ишдан бўшатишни қатъий талаб қилаётган экан. Ошхона хўжайини бефаросат хизматкорни шу биргина айби учун ишдан бўшатишини билдирибди. Аммо мижоздан ҳам: "Мусулмонга ароқ ҳам, чўчқа гўшти каби ҳаром эмасми?" дея сўрабди. Мижоз аввалига нима дейишини билмасдан бақрайиб қолибди. Кейин барибир отдан тушса-да, эгардан тушмай сўкина-сўкина кафени тарк этибди. Раҳбар эса ношуд официантни барибир ишда бўшатибди...

Мана, тушунчаларимизнинг ночорлиги, шариатда ҳаром қилинган гўштни истеъмол қилмаслик дуруст, аммо кишининг ўзини-да тўнғиз ҳолатига соладиган ичкиликни ичиш... гуноҳ эмасдек, гўё. Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу бир куни хутба ўқиётиб, Аллоҳга қасам ичиб айтган эканлар: "Эй жамоат, ароқ билан иймон бир қалбда бўлиши мумкин эмас, албатта, бири бошқасини қувиб чиқаради". Ҳазрати Билол розияллоҳу анҳу айтадиларки: "Шаробнинг бир қатраси қудуққа тушса, кейин ўша қудуқнинг устига минора қурилса, у минорада азон чақирмайман. Агар шаробнинг бир томчиси денгизга томса, денгиз қуриб, у ердан ўт-ўлан чиқса, ўшандан ҳам фойдаланмайман". Сўзимизни Сарвари коинот Муҳаммад Мустафо соллоллоҳу алайҳи ва васаллам ҳадиси шарифлари билан яқунласак, мақсадга мувофиқ бўларди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам: "Кимда-ким хамрга, (яъни кайф берувчи нарсага) муккасидан кетган ҳолда Аллоҳга йўлиқса, У зотга худди бутпараст сингари йўлиқибди", дедилар" (Ибн Ҳиббон ривояти). Яъни, хамр ичишни ҳалол деб билган кимса бутпараст билан баробардир. Бутпарастлар Аллоҳ номини қанча зикр қилмасинлар, бу уларнинг гуноҳларини ювмайди. Бу худди бавл, яъни сийдик билан таҳорат олишга ўхшайди. Барчага Аллоҳдан тавфиқ ва ҳидоят сўраб қоламиз.